

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

HUQUQIY HULOSA

(IJRO GOV UZ tizimi orqali ERI bilan tasdiqlangan hujjat kod mazkur huquqiy hulosaning raqami hisoblanadi)

1. **Loyihaning turi:** shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** Farg'ona tuman yo'llardan foydalanish unitar korxonasi tomonidan 893 401 710 so'mlik yo'llarni asphalt qilish xizmatini ko'rsatish
3. **Loyiha ishlab chiquvchi:** Qo'shtepa tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
4. **Loyiha kiritilgan sana:** 18.07.2022y

**O'TKAZILGAN HUQUQIY EKSPERTIZA
HULOSASI:**

Shartnoma loyixasi amaldagi qonunlar jumladan O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'ridagi qonuni" , „Davlat xaridlari to'g'risida” gi qonuni bilan tartibga solinadi.

Loyiha amaldagi qonunlar asosida ishlab chiqilgan.

Hulosa: Loyiha amaldagi qonunlar talabiga javob beradi va undan foydalanish mumkin.

Loyihani huquqiy ekspertizadan o'tkazuvchi:

Qo'shtepa tuman Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi boshligi:-



I. K. Zokirov
21.07.2022y

Кўштепа т.

Кўштепа туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи корхона директори М.Рўзибоев бир тарафдан ва Фаргона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи директори А.Зикриев иккинчи тарафдан жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ТАРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга юритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синов тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1. "Буюртмачи" топширигига асосан Октепа М.Ф.Й Найман, Ойдинбулок, Ч.Айтматов кўчасини ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Пудратчи"га ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларига асосан 2022 йил 03 август кундан бошланиб бажариш муддати: 20 кун 2022 йил 24 Август кунига якунланади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

| № | Бажарилиши лозим ишни номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|--|---------------|---------|-----------|-----------|
| 1 | Октепа М.Ф.Й Найман, Ойдинбулок, Ч.Айтматов кўчасини ички йўлларини жорий таъмирлаш ишлари | комплект | 1 | 893401710 | 893401710 |
| | Жами: | | | | 893401710 |

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

- 3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган умумий ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **893401710** (Саккиз юз тўқсон уч миллион тўрт юз бир минг етти юз ўн) сўмни ташкил этади.

- 3.2. Мазкур шартномага асосан пудратчи томонидан объектда **893401710** (Саккиз юз тўқсон уч миллион тўрт юз бир минг етти юз ўн) сўмлик ишлар бажарилади ва буюртмачи томонидан пудратчига бажарилган ишлар учун берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ажратилган маблағнинг 100% молиялаштирилади.

- 3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- зарур холларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машин, механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмдан фойдаланилиши, белгиланган сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

- Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

4.2. "Пудратчи" мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун "Буюртмачи" олдида тулик мулкий жавоб беради.

4.3. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

4.4. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 3 3-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- "Пудратчи" ни ўз вақтида лойиха-смета хужжатлари билан таъминлайди,

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллагунгача бўлган даврда далолатнома бўйича "Пудратчи" га беради,

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган

"Пудратчи" томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш,

"Пудратчи" дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлашни амалга оширади;

- ушбу шартномадан назарда тутилган муддатда ва миқдорда "Пудратчи" га ҳақ тўлайди;

- "Пудратчи" нинг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқади.

6. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

6.1. "Буюртмачи" ушбу шартномага асосан "Пудратчи" нинг ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган қийматнинг 30% гача миқдорига аванс маблағини ўтказиши.

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилганидан кейин берилган авансни ҳисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100% миқдорига амалга оширилади.

6.3. "Пудратчи" нинг бошқа харажатлари лойиха-смета хужжатларида кўрсатилган бошқа харажатлар қийматидан ошмаган холда тўловга қабул қилинади.

6.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

7.2. "Буюртмачи" қурилиш майдонида ўз вақтинини - техник аудиторини тайинлайди. У "Буюртмачи" нинг номида бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади.

8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

8.2. Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.4. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. КАФОЛАТЛАР.

9.1. "Пудратчи":

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди.

9.2. "Пудратчи":

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, кондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш кондаларига мувофиқлигини кафолатлайди, объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камидан бир йил этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар "Пудратчи" томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

9.4. Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуқсон ва чала ишларни далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, уларни текшириб чиқиш «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишдан истисноо этмайди.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексинда, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилди.

10.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун "Буюртмачи" "Пудратчи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши "Буюртмачи"ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. "Пудратчи" объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш "Пудратчи"ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечиктириш туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва кондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда "Буюртмачи" «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси»нинг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек "Пудратчи"дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100% гача миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида, белгиланган тартибда Иқтисодий Суд томонидан қўриб чиқилади.

12. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан қўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўлайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва кондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. ШАРТНОМАГА КЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

13.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва конун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

13.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

14. МАЖБУРИЯТЛАРНИ АМАЛДА БЎЛИШ ШАРТИ ВА МУДДАТИ.

14.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабригача амал қилади.

14.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Икки) нусхада тузилди.

14. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

“БУЮРТМАЧИ”

Кўштепа туман Ободонлаштириш бошқармаси
Манзил: Кўштепа туман Шодлик мфй Нуробод кўчаси
№47 уй Тел:73-425-22-70


Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Кўштепа туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси
х/р: 23402000300100001010
Банк номи :Марказий Банк Тошкент ш.ББХКМ
МФО: 00014 ИНН:201122919
Ш.Х.Р. 401722860302067045204110006
ИНН:200177201 ОКОНХ:90190
Рахбар: М.Ғабдуллоев

Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси
Манзил:Фарғона т Мустақиллик кўчаси 350-уй
Тел./факс: 97-419-60 -04
х/р: 2021 0000 5002 1083 5012
МФО: 01131
ИНН: 200 197 217
Банк номи: Унверсалбанк Фарғона филиали
ОКОНХ:42110

Пудратчи рахбари: А.Зиқрияев



(имзо)



ТАСДИҚЛАЙМАН
 Кўштепа туман ободонлаштириш
 бошқармаси Т/Х мухандиси
 А.Рахмонкулов

01.08 2022 йил

Кўштепа тумани

Кўштепа туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 05.07.2022 йил кунги лот №22110012118805-сон билан Оқтепа МФЙ Найман, Ойдинбулоқ, Ч.Айтматов кўчаларини асфальтлаштириш ишлари бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йнгилиш

БАЁНИ № 6/1

| | | |
|----------------|---------------|-------------------|
| Қатнашчилар: | А.Рахмонкулов | - Т/Х мухандиси |
| | К.Саидов | - Бўлим бошлиғи |
| | Р.Абдуллаев | - Бўлим бошлиғи |
| | Ғ.Мадрахимов | - Бош ҳисобчи |
| | Қ.Юлдашев | - Бўлим бошлиғи |
| Йнгилиш Котиби | Р.Жўраев | - Ёрдамчи ҳисобчи |

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. Фаргона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси.
2. ELEGANT DAVR DIZAYN М.Ч.Ж
3. Кўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси.
4. "FAYZLI ALIMARDON" хусусий корхонаси.

Йнгилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи Фаргона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йнгилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

Ғ.Мадрахимов

Р.Абдуллаев

Қ.Юлдашев

К.Саидов

Р.Жўраев

Йнгилиш котиби: